



ХАР БИР УЧРАШУВ — БАЙРАМ

Ўзбекистон халқ артисти Пўлат САИДҚОСИМОВ билан мулоқот

— Пўлат ака, сизни актёр сифатида элга танитган ролларингизни санаб беролмайсизми?

— Қайси бири мени машҳур қилганини айтишми кийин. Аммо актёрлик ҳаётимда муҳим босқич бўлган, ўзим яйраб-яйраб ўйнаган, кўнгил тўлган ролларимни эсга олиб ўтишим мумкин. Булар «Улғубек юлдузи»да Абдулатиф, «Қирол Лир»да Эдгар, «Бор»да Қосимбек, «Зебуннисо»да Аванзёв, «Ганг дарёсининг қизи»да Ромеш, «Уфқ»да Икром, телеспектакллар орасидан «Қутлук қон»да Мирзакаримбой, «Дёнот»даги Отақўзи ва «Гирдоб»даги Маҳаматқот.

— Айтингчи, қандай қилиб театр актёридан кино актёрига айландиңиз?

— Кинонинг сеҳри олами мени ўзига жалб этди, десам муболага бўлмас. 1971 йилда илк марта «Муҳаббат моҳориси» кинофильмида Маҳкам образини яратдим. Фильм катта муваффақият қозонди. Унинг режиссёри Шухрат Аббосовга ҳам, биз актёрларга ҳам шон-шухрат келтирди. Актёр бўлиб шаклланишда, кино ва театрда муваффақиятли ишлаб кетишимда, шубҳасиз Маҳкам образининг яхши чиққанлиги сабабчи бўлган, десам адашмасам керак. Шундан кейин «Абу Райҳон Беруний», «Узоқ ва яқин йиллар», «Йилондан сакланинг», «Дёнот», «Уйғониш» фильмларида бир қатор образлар яратдим. Кейинги йилларда «Ихтилол қурбоналари», «Олов қаридай фаршаш», «Тонг отгунча» фильмларида асосий ролларни ижро этдим.

— «Тонг отгунча» фильми устида қандай ишлагансизлар?

— Режиссёр Юсуф Азимовнинг бу асари киномизда биринчи бор пилла етиштирилган азоб-уқубатларини, дала меҳнаткашларининг оғир турмуш шароитларини тасвирлаб беради. Фильм устида ишлаш осон кечмади. Актёрларимиз икки ойдан ортиқ тоғда ўтин ташидан тортиб, пилла қурти боқидиқек машаққатли ишларни бажардилар. Бу фильмда асосий қаҳрамонлардан бири Искандар ота ролини ижро этди. Лекин «Тонг отгунча» фильми қандайдир сабабларга қўра, шу кунгача томошабинларга тақдим этилмади.

— Дубляж санъатида қўшган ҳиссангиз ҳам қатта...

— Юздан ортиқ фильмларда овоз берганман. Гап дубляжга бориб тақалар экан, шу соҳанинг фаол вакили сифатида шуни таъкидламоқчиман. Ўзбек дубляж санъатининг ўз мактаби бор, дубляж туфайли танилган санъаткорлари бор. Шу соҳанинг қироли Ҳамза Умаров, қолаверса Обид Юнусов, Тўлқин Тожиев, Ёқуб Аҳмедов, Афзал Рафқов, Хожаикбар Нурматов, Рамма Аҳмедова, Ойбарчи Макирова, Гулчера Жамилова, Сүфия Имомқуллова... ҳаммани санаб чиқиш кийин. Биз ўзимизнинг дубляж санъатини билан илгарилари Москва ва Ленинград шаҳарларида ўтказилган халқаро кинофестивалларда доим фахрли ўринларни эгаллаб келардик.

Аваллари дубляж қилинаётган фильмдаги ҳар бир персонажга алоҳида актёр овоз беради. Энди эса битта фильми уч-тўрт киши ўғирапти. Санъаткор сифатида эмас, оддий бир томошабин сифатида шуни таъкидламоқчиманки, бир хил овоз томошабиннинг асабига тегиб кетади. Шу сабабданим ҳозир кўпчилик томошабинлар ўртасида бахс-мунозаралар сабаб бўляпти.

— Бугунги Ўзбек киносига рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида қандай фикрдасиз? Умуман, унинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Янги мустақил студияларнинг ташкил этилаёт-



гани кишини қувонтиради. Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида молиявий муаммоларга қарамай ўзбек кино ишқорлари изланишда давом этиб, турли мавзу ва йўналишларда қатор фильмлар яратмоқдалар. Шу билан бирга чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқдалар. Кино санъатининг келажагига келсак, ҳозир ҳам ижодий режа ва мақсадларимиз маблагга, пулга боғланиб қолмаслиги, иқтисод масаласи ижодий масаладан устун бўлмаслиги лозим. Ишончим комилки, яқин йиллар ичида томошабинлар дидига мос фильмлар кўлаб яратилади.

— «Домла» ва «Кўнгил қўчалари» видеофильмлари телевиденида деярли олдинмакейин намойиш этилди. Актёр эмас, оддий бир томошабин сифатида шу телесериаллар ҳақида нима дея оласиз?

— Дунё ранг-баранглиги билан гўзал. Биринчи иккинчисига қийошлас, қай бири зўрлигини аниқлаш мушкул. Еритилган мавзу, кўтариб чиқилган муаммолар, мақсад — бошқа-бошқа. Бунинг устига кўп қисмий телесериаллар яратиш устидаги илк изланишлар бу. Дастлабки таъриба чакки эмас. Ҳар иккиси ҳам яшаб қолади, деб ўйлайман.

— Ҳаётда, ижода сиз ихлос қўйган, ўзингиз учун ибрат бўлган шахслар борми?

— Мен учун ҳаётда ҳам ижода устозларим Етим Бобоқонов, Қудрат Ҳўжаев, Зайнаб Соҳидова, Олим Ҳўжаев, Шукр Бурхонов, Наби Раҳимов, хуллас санъаткор бўлиб вояга етишимда озми-кўпми ҳисса қўшган, мураббийлик қилган устозларим мен учун ҳамиди намуна бўлиб қолишди.

— Яқин келажақда ўз муҳлисларингизни қандай ижодий янгилик билан қувонтириш ниятдасиз?

— Хабарингиз бўлса керак, республикада актёрлар хайрия уюшмаси ташкил этилган. Шу уюшма қошида «Йймон» киностудияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозир режиссёр Жасур Исҳоқов суратта олаётган, 6 қисмдан иборат «Еқут қўзи тулпор» фильмида асосий қаҳрамон, терговчи майор Пўлат ролни ижро этди. Фильмнинг суратга олишда Ички ишлар вазирлиги яқиндан ёрдам бериб, хомийлик қилмоқда. Насиб этса, тез кунларда ушбу фильми томошабинлар эътиборига ҳавола этимиз.

— Ўзингизни бахтли актёрлар қаторига қўша оласизми?

— Ҳар бир актёрнинг ижодий фаолиятида томошабин хотирасида қоладиган ва қолмайдиган роллар бўлиши мумкин. Лекин томошабиннинг эсида қолмайдиган роллар ҳам актёр маҳоратини оширишда ўзига хос ўрин тутди. Саҳна ҳар бир ижодкор учун муқаддас бир даргоҳ, Уни халққа танитган, машҳур қилган ҳам саҳнадир. Айниқса, Ҳамза театри саҳаси. Мен шу даргоҳга илк бор 1957 йилда келган эдим. Мана 40 йилдан буён, жонажон театримдан. Ана шу давр мобайнида жуда кўп роллар яратдим, халқ олқишига сазовор бўлдим. Ўзининг назаридан қолмаслик — актёр учун энг юксак увон, энг катта бахт.

— Тошкентда XII халқаро кинофестивали ўтказилади. Шу анжуман ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз...

— Юқори даражадаги бундай анжуманларнинг республикада ўтказилишининг ўзи қувончли бир ҳол. Жаҳоннинг кўлаб мамлакатларининг энг яхши, сара кино асарларини томоша қилиш, машҳур кино юлдузлари билан мароқли учрашувлар чиндан ҳам катта шодийнадир. Ўзбекистонимиз ўзининг бағри кенглиги, меҳмондўстлиги билан доимо машҳур бўлиб келган. Уйлаيمانки, ушбу кинофестиваль кўтаринки бир руҳда бўлиб ўтди. Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

Маъмура РЎЗИЕВА сўхбатлашди.

Шаҳримизда таниқли инглиз бастакори ва дирижёри Жорж Кеневей меҳмон бўлиб турибди. У пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида катта концерт берди.

Бу ерда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча хорижий мутахассислар, шашаҳар жамоатчилик вакиллари тўпландилар. Уларни бу ерга мусиқий мўъжиза имкониятларидан баҳраманд бўлиш истаги етаклаб келган. Гап шундаки, Тошкентдаги Буюк Британия элчихонаси ва республика маданият ишлари вазирлиги таниқли инглиз мусиқачиси Жорж Кеневейни бир қанча концерт бериш учун мамлакатимизга таклиф этганлар. Жорж Кеневей Тошкентда жаҳон мусиқа санъатининг даҳолари бўлмиш Брамс, Рахманинов ва бошқаларнинг ўзи томонидан қайта ишланган концертларига дирижёрлик қилмоқда. Шундай концертлар «Баҳор» концерт залида ҳамда Тошкент Давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг санъат аҳли ва мусиқа шайдо-лари Жорж Кеневейнинг катта маҳорати ва истеъдоди билан янада жозиба касб этган бе-қиёс мусиқий асарлар уммонига фарқ бўлдилар. Жаноб Кеневей бошқарган ўзбек симфоник оркестр мусиқачиларининг айтишларича, унинг дирижёрлигида ижро этилган концертлар нафақат санъат муҳлисларини, балки ижрочиларнинг ўзларини ҳам мафтун этган.

Жорж Кеневей санъатининг яна бир катта муҳлиси — Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей биз билан сўхбатда шундай деди:

— Мен Жорж Кеневейни Ўзбекистонда, гўзал Тошкентда кўриб турганимдан жуда мамнунман. У ҳақида кичикинагина сирни очиб қўйишим керак. Ёшлигимда, Шотландияда Жорж билан бирга таҳсил олганман. У менинг катта дўстим. Шунинг учун унинг бу ерда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб, концерт бе-

стлари, балки дирижёрнинг маҳоратига илк бор гувоҳ бўлган муҳлисларга шодлик улашди. Мусиканинг мўъжизакор таъбири ҳар бир одамни тўқилантириб юборади. Юксак даражада ижро этилган мусиканинг энг улкан муқофоти эса муҳлисларнинг самимий олқишларидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонга хорижий давлатларнинг турли доира вакилларининг интилиши тобора ортиб бормоқда. Юртимизга кўлаб мамлакатларнинг иқтисодчилари, сиёсатдонлари, олим, ёзувчилари, санъаткорларидан иборат делегациялар ташриф буюрмоқда. Бундай ташрифлар, шубҳасиз, Ўзбекистон билан жаҳон ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сэр Жорж Кеневейнинг Лондон билан Тошкентни боғлаган мусиқий кўприги ҳам икки мамлакат муносабатларини яна бир босқичга кўтарганлиги аниқ. Зотан мусиқачининг ўзи айтишича:

— Мен Тошкентга келиб, шу ерда концерт бераётганимдан жуда мамнунман. Илгари Ўзбекистон ҳақида жуда ҳам тасаввурга эга эдим. Ортингизга келган эса бу ерларнинг аҳойиб иқлими ва гўзалликлари ва энг муҳими, халқининг аҳойиб хислатлари мени ўзига мафтун этди. Мен Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар янада қалалишиб боришини чин кўнгилдан истайман. Менинг Тошкентга ташрифим ана шу соҳага оид бўлса-да ҳисса қўшса, ўзимни бахтиёр деб биламан.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

Ибратнома

ВАФО — ОДАМИЙЛИК ИБТИДОСИ

(Туркий халқлар
мақоллари)

- Савишганлар айро тушса, севги сўлар.
- Йигит қайғурса — осмонни ҳам булут босади.
- Эр киши қулганда — кун чиқар.
- Уйингни тоза тутсанг, барака келади.
- Уйингда товук турганда даштдаги тустовуқни қувма.
- Уйил-қизи талтайганинг ҳаёти мунгли бўлур.
- Онаси юлқа ёпар — боласи қўша ошар.
- Бахтингни топсанг гердайима.
- Тақдир ҳам вақт пойлайди.
- Йигитни қор бузади.
- Она қорнида пайдо бўлган хулқ Ер қаърида йўқ бўлади.
- Ойдай ўғил-қизларингли — уйингда тарбияла.
- Сахий эр — олам безаги.
- Вафо — одамийлик ибтидосидир.

Моҳира ҚАРИМОВА тайёрлади.



Либос — ярим ҳусн дейишади. Айниқса у оқ рангда бўлса, қизларимиз ҳуснини янада очади.

Рашид Галиев олган сурат.

лага қараб туринг», деди. Бу гапни айвонда ўтирган совчилар эшитди, бир-бирига қарашиб, қайнонанинг юрагига туғун тушди.

— Совчилар кетган, қайнонаси қизимга: «Оқ халатда юрсангиз ҳам бефаросат экансиз, келганлар бу уйнинг ўғиллари қул экан, дейишмайдими? Эрак эракка ўхшамаган уйда қанақа қиз ўсиши маълум-

ра қўларингни ўйла» дея ялиниб кўрди. Бўлмади.

...Маърифат кўча-қўйда «Эринг ёшгани қизни эргаштириб қорибди» деган мишмиш эшитишди. Ишонасида ўтган йили икки қиз билан хотинидан ажралган, ўртача одам қўйиб юрган бир ҳамкасбига шартта «Сизга тегаман» дейди. Эридан ажралди.

янги оила қўрмоқчи, ахир бу худого ҳам хуш келмайди-ку, дегим келди, — она бу гапни айтишда лекин шундай қилишга ботинолмайди, ўз ёнига ўзи қоврилди.

...Онанинг ўртанишларига қўлоқ тутди-ми, негадир уни ҳам, қайнонани ҳам, Маърифатни ҳам ўйлагим келмади. Маърифатнинг эри, унга уйланмоқчи бўлган киши ва манави рўпарамда йиғлаб

Одобнома

«ЎЧ»НИНГ УВОЛИДАН ҚЎРҚМАСМИКИН?

ку. Сиз совчилар олдида оиламиз шаънини ер қилдингиз» дебди, — дейди она зорланиб.

...Табиийки, Маърифат ҳам жим турмади, бири у дейди, бири бу — айтишув катта жанжалга айланади.

— Маърифат ўша кунёк иккита боласини етаклаб уйига кириб келди, — дейди она, — бир-икки кундан сўнг қуёв йўқлади, қизим бормиди. Қуёв: «Онамдан кечирим сўрасин, чунки айб ўзида, қачон уэр сўрашга рози бўлса, олиб кетаман», — деб шарт қўйди. Қизим: «Онангиз чуқмолидан фил асади. Шу йўл билан мени жинсовлаб, миниб олмақчи, сўрайдиган узими ҳам, борадиган уйим ҳам йўқ», — деб туриб олди.

...Она бир-икки бор: «Жон қизим, қо-

— Қуёвим ҳам уйланармиш, қиз бола оллармиш. Қудам: «Учимни оламан, ичимадаги ҳовурга сув сеппилгандай бўлади» деб юрганмиш. Қизим ишонмасидаги ўша эраканинг машинасида қорибди. Кеча Олчапар бозорига олиб бориб, лама пальто, алламбало телпак олиб берибди, онанинг юрагига қил сиймади.

У қизининг турмуши изга тушиб кетишига ишонмайди. Чунки у ўзига жуфт қилмоқчи бўлган эраканинг ҳам онаси ўзи билан яшар эмиш, синглиси, яна аввалги оиласидан қолган катта қизи ҳам шу уйда эмиш.

— Бир ҳаёлим қудангнинг олдида бош эгиб бор, дейди. Булар аҳмоқлик қилса, биз оқил бўлайлик, ҳали ҳам кеч эмас, иккови ҳам бир-биридан қасос олиш учун

ўтирган онанинг арслондай ўғлонлари ҳақида ўйладим. Энам айтдикилар: Бобонг дастурхонга ўтирмагунча, на даданг, на аммаларинг ўтиролмас эдилар, ўринларидан ҳам бобонгдан сўнг туришарди. Халқда ҳам «Эри улуғнинг йўли улуг», «Эр бош бўлган уйга тош қилмас» деган мақоллар бор. Нега улур — бу уч хонадон эрларни оила тақдир, жону жигарлари тақдирига бу қадар бепарво? Нега Маърифатнинг эри бир пайтлар «ёр-ёр» билан оstonасидан олиб кирган аёлини, ўз пушти камаридан бўлган икки жуфт қоракўзини ўзага қўзи қийди? Оқанининг гапи билан, онасидан хотинини ўз сўрашига шайланган ҳақини нега бу ерда қўрирмайди? Хотинини, фарзандларини бирова олдирган йигит йигитми?

Қўтлибека РАҲИМЗОЕВА, шоира.

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

ТИЛСИМ

(Романдан парча)

«Уч оға-ини ботирлар» эртагини эртак эмас, дoston деб тасаввур қила оласизми? Башарти уч оға-ини ботирлар сизга замондош бўлсалар, ўзларини қандай ҳис қилар эдилар?...

Камини бу борадаги ўз тасаввурларини қозоғга тушириб, ўн йил деганда «Тилсим» («Туркiston достони») номли каттарок бир асарни битирган эдим. Уларда тўнғич ботир — Собир қовунчи, ўртанча ботир — Қодир учар, Кенжа ботирнинг бошидан кечирган саргузаштлар қаламга олинган. Ниятим — тарихи неча минг йиллик элимизнинг буюклигини, ахллитлигини бадийи, публицистик руҳда акс эттирмоқчи бўлдим. Билмадим, бунга қанча эришдим экан. Бугун «хамир учдан патир» деб асарнинг учинчи қисмидан олинган бир бўлакни сиз, ҳурматли оқшомхонларнинг эътиборингизга ҳавола эттим келди...

МУАЛЛИФ.

Кенжа тагин чекар экан, қоровулнинг ҳужраси томон қўз ташлади. Афғонистонлик зиёратчи шаҳар айланиб кетганим, ё ичкарида «суҳбатчи жонани» қўзитиб ўтирибдими, ишқилиб, ҳужра теварагидан ҳеч зог йўқ, ўзи ҳам ёлғиз, мақбара ҳам... Соатига қўз ташлади. Саккиз! Тўққизда шаҳарлараро алоқа бўлими очилди. Малика билан гаплашиб бўлгунча музей ҳам иш бошлади. Келиб, азиз-авлиёларнинг руҳига тиловат қилади-да, тагин акаларининг олдида ўтади. Иши тезроқ битиб, кўнгли жойига тушса, Қорачиқа қайтиб, ҳаммасининг ҳиссасини бирийўла чиқараверади. Демак, тагин бир соат бемалол хотирини жамлайверса бўлади. Шояд шу бир соатда ўйлаб ўйининг тагира етса!...

... Уйлаб қараса, жамоа ҳақидаги хаёллари Юсуф Сулаймон-у Наби Раҳмон, Фидойий-у Тўхтабий, Босарқул-у Усарқул, хуллас, бешолти нафар нотикнинг атрофиди гирдиқалапак бўлиб айланаверибди-айланаверибди. Холбуки «бу бустон саҳнида гул қўл, чаман қўл» Тил-адабиёт илмгоҳида қим қўл — тили билан адабети қўл. Нотиклар уюшмасида қим қўл — нотик қўл! Бирини «ичимдагини топ», бошқаси «бир қоп ёнғок». Яна бири — писмик нотик, Яна бошқаси — лақамо нотик, учинчиси — дароз нотик, тўртинчиси — пақана нотик... Хуллас, нотикларнинг турли қўл. Оралариди Ҳақиқийи ҳам бор!

«Ҳақиқийи» тахаллуси билан ижод қилувчи бу ёш нотик Анвари бойда, яъни, Қароқда туғилиб ўсган. Очиги, Кенжа шу йигитга катта умид билан қарайди. «Шояд шу бола Туркistonнинг ҳақиқий қиёфасини тилда ҳаққоний кўрсата оладиган чинакамига ҳаққий нотик бўлса!» дея худуддан тилайди.

Лекин бу йигит... яқинда «Ёзма нутқ» рўзномасида бир ашъор эълон қилибди. Матлабини ўқиди-ю ҳафласини гир бўлаёзди:

Сен Маккага дугонасин, Қароғоим,
Йўқ, оламда яғонасан, Қароғоим!

Шу орада ўзини учратиб қолиб, аччиқ эмас, салгина нордон гап қилди:

— Ростдан ҳам Ҳақиқий бўлсангиз, ҳақиқатга зид борманг-да, иним! Масалан, Макканинг дугонасини Қароқдан эмас, Мадинадан топасиз. Қароққа келсак, бу кенг оламда эмас, Анвари антиқа туманда ҳам уни яғона деб бўлмайди. Ё сизнингча Туркiston фақат Қароқдан иборатми?

Ҳақиқий унга алланечук ёвқарашнамо авзода тикилиб, «ҳазил» қилди:

— Ўлан тўшагим — она қишлоғим Қароқ, ака! Онани севishi ихтиёри ўзимдадир, ҳар қалай!

«Онанинг севсанг сев, лекин отангниям унутма демокчи бўлган-да, ука!» Бу гапни айтлолмади. «Бўлди-ё, етар-ё, бас-ё!» деди ўзига ўзи. Модомки, тўғри гап туққанингга ёқмас экан, уни бегонага, айниқса, қилдан қийқ қидириб турган қитмирга айтишдан не наф? Тамом! Энди тилини тишлаб, совқодек халп юргани маъқула ўхшайди. Энди оғзаки нутққа тийим солиб, ёзма нутққа зўр беради. Бир пайтлар тўлиб-тошиб оққан оғзаки ижод дарёсидан бугун қилжа ҳам қолмади, ахир. Бас шундай қилди, Нотиклар уюшмаси қолида Навоий номидиға нутқ маданияти марказини очади. Бўёғини сўрасангиз, оғзаки нутқ деганлари бир қулқондан кириб, иккинчисидан чиқади-да, ҳавога уқайа-кетайди. Ёзма нутқ эса, сакланиб қолади. Агар чинакам нутқ бўлса, ўтда ёнмайди, сувда қўймайди. Қирқ йиллик қирғиндан ҳам омон чиқаради. Ана, Чўлпоннинг «Кенча»си омон чикди-ку, ахир!

Ҳўш, «нутқ маданияти» деганлари нима ўзи? Анвари Тўхтабой-у Фидойиларга ўхшаб жўнгини бир фикрни ўз жумлада айтишми? Ё Атор-у Бедилга ўхшаб, аксинча, бир жумлада юз фикр айтишми? Дейлик, «Бугун сен китоб ўқидингми?» деган саволга «Бугун мен китоб ўқидим» деб жавоб бериш керакми? Эс-хуши жойида одам шундай дейдими? Гапни қисқа қилиб, «ха» ёки «йўқ» дейди-қўяди-да. Анвари нотиклар эса, гапни чўзмоқдек чўзмаста туролмайди. Жилд-жилд «асарлар» ёзиб, мана, аслини олганда, шу ёлғон-яшиқлар учун беҳуда сарфланган умрларига ўтдек қуйиб ўтиришибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ аксарият ёзган-чизганлари унутилиб бўлди. Ўз вақтида дўмбира қилиб қалинганларидан эса ном-нишон ҳам қолгани йўқ. Шўни билиб дами ичига тушгани сайин отдан ажралса ҳам эгардан тушмаслиққа уриниб ётишибди азаматлар!...

Ҳўш, ўзи-чи? Мана, ўн беш йилдан буён кўнгилга йўл қидирди. Кўнгилдан кечаётганларни бир сидра изоҳлаб шарҳлади. Масалан, кўнгилдаги энг жумбоқ туйғу — муҳаббат ҳиссини ўзича тушунишга уринди. Шу баҳона аллақандай «полигам оила», «моногам оила», «жуфт никоҳ», «мақт никоҳ», «ажралишар коэффициентини», яна алламбалоларни ўрганган бўлди. Лекин ўзбек оиласини... билломлади. Дейлик, «снийга» нима? «Тўқол»-чи? Ақалли Гафур Ҳўлмонинг «Ҳўйлан шаърий» ҳикояси замиридаги тарихий ҳақиқат ва маъжозий маънони тушуниб етдимми?

Йўқ, у ўзинча «Кўнгилнинг туб-тубига шўнғидим, кўнгил бисотини ёздим, дилдагини тилига қўчирдим» деб ўйлайди, бу йўлда халқумни, нутқ аззолари-ю нутқ маданиятини муттасил ўрганмади. Лекин дил қаърига олиб борувчи борса келмас йўлнинг боши — тил учиди турганини билладими? Масалан, «тилини қарга қўйган» иборасини қандай тушуниш керак? Ўтган иккита мустаҳкам кўрғоннинг панонида дахлсиз турган тилини қаргага қўйишмоқ учун одам боласи нақадар оғзи очик — лавдур бўлмоғи керак! Айниқса, кейинги етмиш йил боласида биргина хом сўт эмган банд эмас, бутун бошли бир халқнинг тилини қарга қўйишмадими? Қани уни ҳимоя қилиб турган ўттиз иккита мустаҳкам қалқон?! Бир қалқон — Қодирий, бир қалқон — Фитрат, бир қалқон — Чўлпон эди, улор авёзсизлик ила битта-битта қоқиб-суғуриб олинган, ҳумосиз қолган бу тили... қарга эмас, қалатми-қузғун ҳам қўйди-да!

Қани энди Нақибанддек ўз кўнглини дилларга нақшлай олса! Қани энди Ҳазрати Султондек ақали ер остидан қилват бир жой — қилғохонани топса-да, қўнгида, нисоят, пишиб етилган ўйларини қозоғга кўнгилдагидек тўлиб олса! Қанидди, шўнғичанинг имкони бўлса! Ахир, бўйда Машрабни ўртага қўйиб қисқариб балосидан базўр қутқариб қолган «сўфлик» ўрни ҳумояталаб, у ёқда оиласи — йўли-ю қўлига қўз тили, поллопадек қичқираган опти жон ҳимояталаб!... Ҳазрат Навоий нима учун оила қўрмаганларини ана энди сал-пал тушуна бўлади!

Модомки Ясавийдек узатга чеккинининг ҳазирча имкони йўқ экан, қорани ер остидан эмас, ер устидан қидиришга тўғри келади. Улкан бир салтанатнинг бош вазира ҳам бундай қорани ер устидан, тўғрироқ, кенадан қидирган-ку! Нақл қилишларича, Ҳазрат Навоий ҳар бир кечани ўч қисмга — ибодат, истироҳат, ижодга — ажратган эканлар-ку! Тўғри

Кундалик ҳаётимиздаги ҳеч бир ишимиз тил ёрдами-сиз битмайди. Сўз, ёзув, муомала ҳар кунги эҳтиёжга айланган. Аммо уларни қўллашда тўғри йўл тутиляптими? Бунинг кўпроқ мутахассислар билишида. Шу боисдан Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг услубий ва таҳрир кафедраси мудири Ирисали ТОШАЛИЕВ билан мутахассис сифатида суҳбатлашдик.

— Ҳозирда кундалик ҳаётимизда тилимизга бўлган муносабат сизни қониқтирадими?

— Менимча, ҳозир республикада «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг бажарилиши яхши йўлга қўйилган. Лекин баъзи кишиларнинг лоқайдликлари ҳамда ўз ишларига соғуққонлик билан ёндошганликлари натижасида камчиликлар ҳам юзага келмоқда. Масалан, тижорат дўконтлари пештахталаридаги дўкон номларини ёзишда сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилмаслиги натижасида гап маъноси ўзгариб, ҳаттоликлар келиб чиқмоқда.

— Дарвоқе, кўпгина фирма, муассаса ҳамда тижорат дўконтлари одамларнинг, хусусан аёлларнинг исми қўйилмоқда. Шунинг тўғри деб бўладими?

Муносабат

СЎЗ — ГЎЗАП САНЪАТ

аммо уни тўғри қўллаяпмизми?

— Дарҳақиқат, шахримиздаги кўпгина дўконтларга одамлар ўзларининг ёки бўлмаса, бирор-бир яқин одамларининг исмларини қўйганлар. Масалан, шахримизда «Ҳабиба» номи дўкон бор. Агар бирор бир буюм керак бўлиб қолса, «Бор, Ҳабибадан олиб кел», десак жуда галати туюлади. Ёки темир-терас ҳамда турли эҳтиёт қисмлар сотиладиган айрим дўконтлар «Наргиза», «Гулчехра», «Шаҳноза» номлари билан аталади. Дўкон номлари реклама вазифасини ҳам ўтаб, одамларни ўзига қорлаши учун моҳиятига тўғри келадиган исми қўйиш керак. Дўкон очилган одамга тегишли жойлардан рухсатнома берилганда дўконнинг қандай номланганлиги ҳам эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Яна бир нарсасга эътибор бериш керакки, бундай ёзувларнинг қўлида саводсизлик аломатлари мавжуд. Номлар ёки атамалар кирилл ёки лотин алифбосида ёзилганда ҳам жуда кўп ҳолларда ҳаттиқларга дуч келамиз.

— «Тешик қулоқ эшитида», деган гап бор. Хохлаймизми-йўқми кўча-кўйда, жамоат жойларида турли тоифадаги, турли савиядаги одамларнинг гаплари қулоққа чалинади. Лекин эътибор қилинса, уларнинг айримлари тил қонун-қоидаларидан қанчалик беҳабар эканликларини сезиш мумкин...

— Гапингиз тўғри. Ўзаро мулоқотларда тилдан тўғри фойдаланишда камчиликлар учраб турибди. Хусусан айрим сўзларнинг ўзбекча мўқобили бўлишига қарамай бошқа тилдаги сўздан фойдаланиш ҳолларининг ўзига хос сабаблари бор. Бу сабабларнинг бири билимсизликдир. Лекин бу нуқсон пайти келиб барҳам топишига ишонаман. Чунки ҳозирги кунда ҳеч бир одамнинг иши ҳужжат тўлдирги ёки тўғри муомаласиз битмайди. Илгари университетимизнинг филология факультетида тил услубийети фан сифатида ўргатиларди, ҳозир эса «Нутқ маданияти назарияси асослари» ўқитилади. Аммо биз сўз ҳоритаётган мавзу фан эмас, балки муаммо, бу муаммони услуб ҳал этади ва тўғри йўлга солади. Ўзбек тили услубини қўқуриштириш керак. Бунинг учун эса фақат журналистика факультетларида эмас, балки филология факультетида, ҳатто мактабларда ҳам адабий таҳрирдан маълумот бериш лозим. Акс ҳолда кўпчилик сўзларни ноўрин ишлатаверади. Масалан, телевидение ёки радио орқали қишлоқ хўжалиги ҳақида хўя қилинадиган айрим эшиттириш ҳамда кўрсатувларда «Она қўйлар», «Она товуқлар» ёки «Маррани забт этди» каби сўзларни эшитган кишининг таъби хира бўлади. Миллий-матний мулоқоти болалар, қолаверса барчанинг онига сингдириш лозим. Шундангина улар гўзал сўз санъатига эга бўладилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА суҳбатлашди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси «1997 йил — Инсон манфаатлари йили» муносабати билан барча туманларда шу мавзуда кенгайтирилган давра суҳбатлари ўтказишни режалаштирди.

Инсон манфаатлари йили

«ОИПА, ЭЪТИҚОД, САЛОМАТЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ»

Туманларда давра суҳбатлари ташкил этиш арафасида шаҳар миқёсидаги учрашув Акмал Икромов туманининг «Ўрикзор» даҳасида бўлиб ўтди.

«Хўқўйи давлат қуришда оиланинг ўрни» мавзусида олиб борилган давра суҳбати асосан савол-жавоб тарзида кечди. Унда даҳадаги «Ўрикзор» ҳамда Мустақиллик маҳаллаларининг фаоллари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, халқ таълими бўлими, соғлиқни сақлаш, маданият, ҳуқуқ-тартибот органлари соҳалари ходимлари широк эътибор эди.

Жамоат тартибини сақлаш хусусида иккала маҳалла фаолларидан тушган саволларга 1-шаҳар милиция бўлими бошлиғи Раҳматулла Шукров, ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликларга барҳам бериш ҳақида туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Исоқжон Турғунов ёшлар ўртасида одоб-ахлоқ тушунчаларини шакллантириш, таълим-тарбияни кучайтиришга оид саволларга туман халқ таълими бўлими мудири Шукрулла Икромов, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги саволларга туман ху-

дудий-тиббий хизмат бўлими мудири Неймат Расуловлар жавоб беришди.

Давра суҳбати давомида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фариди Абдурахимова ҳуқуқий давлат қуриш шарафидида оиланинг ўрни мавзусида гапирди. Шундан сўнг унга оилани режалаштириш, ижтимоий таъминот, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари мавзусида саволлар билан муножот этилди. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва масриват» жамоатчилик марказининг бўлим мудири, шоира Турсуной Содикова билан бўлган мулоқот оиланинг жамиятдаги ўрни, аёлнинг мўътабар зотлиги, турли-туман маросимлари, кўнра қадриятларни тиклаш, ёшларни мустақил турмушга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, илмий қилиш мавзусида кечди.


Туманларда ўтадиган шундай тадбирларга мавзу танлашда ўша туманининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Лекин бу мавзуларнинг барчаси Инсон манфаатлари йилида оиланинг жамиятдаги ўрни доирасида бўлади.

Абдумалик АБДУРАХИМОВ.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, факултетада ҳолатлар, ички ишлар бош бошқармалари томонидан Инсон манфаатлари йили ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой кўнига бағишлаб «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар слёти ўтказилди. Тадбирда шахримиздаги барча туманлар мактаблари ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиққан гуруҳлар қатнашиб, саккиз босқич бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.


Мусобақа тартибига кўра ёш саломатлик посбонлари савдо юриш, бахтсиз ҳодисалар пайтида биринчи ёрдам кўрсатиш, уйда беморларга қараш, доривор ўсимликлардан фойдаланиш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, йўл ҳаракати қоидалари, гигиена хусусидаги ўз билим-қўнимларини кўрсатдилар. Шунингдек, олти кўринишдаги деворий газеталар кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Шартлар бажарилишини одилона баҳолаш учун ўз соҳасининг етук мутахассислари жалб этилди. Слёт давомида биз ана шундай мутахассислар билан суҳбатда бўлдик.

— Аънанавий тус олаётган ушбу слёт ҳар икки йилда Республика миқёсида бир мартаба ўтказилади, — дейди Республика Қизил Ярим Ой жамия-



Танловлар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ



Ҳадемай мактаб ўқувчилари ор-зиқиб кутган ёзги таътиллار ҳам бошланади. Ҳозирданок кўп қаватли уйлар, маҳалла богччаларида болақонларнинг қувноқ ўйин-қўл-гуллари кечгача тинмайди. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг қизиқиш ва машғулоти раи-баранг. Бизни айниқса ўсмир ёшдаги болаларнинг бўш вақтини қандай ўтказишлари қизиқтирди. Шу мақсадда Шайхонтохур туманидаги Ибн Сино 1-мавзусида яшовчи болалар билан суҳбатлашдик.

— Спортга қизиқасизларми?

◆ Камолитдин, 262-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Айқидо, жиу-житсу деган кураш турларига қизиқаман.

Ҳозирча сузиш билан шуғулланяпман.

◆ Бадриддин, 11-синфда ўқийди:

— Мен ҳам Камолитдин билан сузишга қатнашяпман. Устозимизнинг айтишларича, сузиш ҳар қандай спортчи учун энг зарур машқ ҳисобланади. Ўзим баскетболни ўқираман. У энг катта даромадли спорт турларидан бири ҳисобланади. Америкалик Майкл Жорданни биласизми, бир йилда 40 миллион доллар ишлайди. Ҳозирча бўйим 176 сантиметр. Болалар билан тез-тез баскетбол ўйнаб тураимиз.

◆ Дилмурод, 9-синф ўқувчиси:

— Спортга қизиқаман. Лекин ҳеч қайси тури билан шуғулланмаман. Вақт йўқ. Бозорда бизнес қиламан.

— Камолитдин, айқидо, жиу-житсу дегани қандай кураш ўзи?

— Айқидо Японияда кучли ривожланган. Айқидо — ҳеч қандай қуролсиз ўзини ҳимоялаш санъати ҳисобланади. Жиу-житсуда эса ҳамма жанг турларининг энг яхши усуллари жамланган. Дунёда айқидонинг энг зўр устаси америкалик Стивен Сигал ҳисобланади.

— Маҳаллада спорт билан шуғулланишга шарафит борми?

◆ Бадриддин:

— Маҳалламиз кўп қаватли янги уйлardan иборат. Ҳозирча стадионимиз йўқ. Лекин спорт майдонларини курс бўладиган кенг жой-

Мулоқот

БЎШ ВАҚТ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

лар кўп. Қурилишга ҳам навбат етиб қолар, деб ўйлаймиз.

— Маҳаллада мусобақалар уюштирасизларми?

— Ҳа, баъзан синфлар, кўчалар ёки «дом»лар ўртасида футбол, волейбол бўйича мусобақалар уюштирамиз. Лекин доимий эмас.

◆ Камолитдин:

— Ҳа, бир гал бошқа синфга футболдан юзқазиб қўйиб, аламдан уришиб кетишимизга сал қолган. Негаки, ўйинда адолатли ҳакам йўқ эди-да.

— Сигарет ҳам чекаётганларнингги кўрдик...

◆ Бадриддин:

— Ҳа, мен чекаман, лекин нимагалигини

билмайман. Бошида болаларга қизиқиб чекдим. Кейин одатга айланди.

◆ Камолитдин:

— Мен аввал чекардим. Ҳозир ташлаганман.

◆ Дилмурод:

— Мен чекмайман. Опам уришадилар.

— Чекишнинг зарарли эканлигини биласизларми?

◆ Бадриддин:

— Албатта. Мен аввал тазқандо билан шуғулланардим. Кейин чекишга қизиқдим. Натижаси шу бўлдики, спортни ташлашга тўғри келди. Аввал ўзимни енгил, соғлом ҳис этардим. Ҳозир тез чарчаб қоламан.

◆ Камолитдин:

— Чекиш спорт билан ҳеч қачон қелишолмайди. Икковидан бирини танлаш керак.

— Келажақда машҳур спортчи бўлишни хоҳлайсизларми?

— Йўқ. Мен бизнесмен бўлмоқчиман. Чунки келажақда машҳур эмас, бахтли одам бўлишни истайман. Ундан кейин, машҳур спортчи бўлиш осон эмас. Бунинг учун ёшлардан ҳаракат қилиш керак.

◆ Бадриддин:

— Билмадим, спортчи бўлишам керак. Лекин ҳаётда ҳар қандай муваффақиятга эришиш учун албатта спортга ҳам катта аҳамият бериш керак, деб ўйлайман. Спортчи бўлишам ҳам маҳалламизда футбол, баскетбол майдонлари, сузиш ҳавзаси бўлишини жуда истайман.

◆ Дилмурод:

— Спортга яқин одам билим ва маданиятга ҳам кўпроқ яқин бўлади. Умуман, спорт инсон ҳаётда эгаллаши зарур бўлган қўнимлардан бири, деб ўйлайман.

Феруза МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

Шу кунларда Давлат автомобиль инспекцияси Собир Раҳимов тумани бўлимининг ходимлари тумандаги 34 та мактаб ва 72 та болалар богчаларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишга бағишланган учрашувлар ўтказишмоқда. Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилаётган суҳбатларга ота-оналар тақлиф этиляпти. Чунки ёш таътил кунларида фарзандлар аввало ота-оналари қўлида бўладилар.

СУРАТДА: Абдор Хидоятлов номи мактабда ДАН катта лейтенанти Зойир Сайдалиев навбатдаги ўқув машғулотида ўтказмоқда.

Равиль Альбеков олган сурат.

яна бир бор хушнуд эди.

Кўргазманинг очилишида иштирок этган танқили мутахассислар ихдорнинг асарларига яхши баҳо беришиб, унинг бундан кейинги фаолиятига ривож тиладилар.

Шоҳсанам СОЛИЕВА.

ФИРИБГАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Чилонзор тумани милицияси ходимлари томонидан қўлга олинган шахс низоҳатда қув ва маққор чиқди.

Хали суд бўлиб ўтмагани учун уни шартли равишда В. Андрей деб таништирамиз. У 37 ёшда, оилали бўлишига қарамай бирор-бир жойда фойдали меҳнат билан шуғулланмади. Бу дунёда Андрейнинг дастидан қуйганлар кўп. Бировга у молни, бировга бу молни топиб берман, дея роса лақиллатган. Охири марта Чилонзор тумани 19-мавзудаги уйлardan бирда яшовчи И. Анастасияга қаттиқ фириб берди. Анастасиянинг соддалигидан фойдаланиб, уйда отабосидан мерос саклаиб келинаётган 1736 йилда ишлаб чиқарилган «Жузеппе Гварнери» русумли скрипкани қиммат баҳода сотиб берман, дея олиб кетди. Аммо орадан кўп вақт ўтган бўлишига қарамай на мусика асбобидан, на пулдан дарак бўлди. Шундан кейин Анастасия хавотир олиб ички ишлар бошқармасига телефон қилди.

Тихини ёрган фирибгарни излаб топиш ва қўлга тушириш осон бўлгани йўқ. Изига одам тушганини билган Андрей бир неча бор милиция ходимларига чап берди. Бирок «бузқонинг юргани сомон-хонагача» деганларидек, фирибгар барбери қўлга олинди.

Жабранувчиларга уларнинг бир қисм моллари ундириб берилди. — Энди кўзимиз мошдек очилди, — дейди И. Анастасия. — Ҳар кимга ҳам ишонавериш тўғри келмас экан. Келиб-келиб қимматбаҳо скрипкани синалмаган бир фирибгарга бериб утирибман-а.

Ҳа, бу барчамизга ҳам ўрнат бўла олади. Зеро синалмаган отнинг сиртидан ўтма, дейдилар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ



«РАҒБАТ» ВА «ОМАД» ОМОНАТПАР ТУРПАРНИНГ ШАРТЛАРИ

«РАҒБАТ» омонати

«РАҒБАТ» номи омонатга пул топириб, Сиз оёйга 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдигининг 80 фоиз миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.

Сақлашни муддати — 6 ой.

«ОМАД» омонати.

Ютуқли омонат «Омад»га пулингизни топириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас! Бу омонат тури «талаб қилиб олгунча» омонат тури каби қирим ва чиким муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.

ХАЛҚ БАНКИДА ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ
КЎРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Тел. 45-66-43, 45-35-44

Тошкент шаҳар Халқ банки бошқармаси.

ТАШКИПОТЛАР, КОРХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ФИРМАЛАР, ҚУШМА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг Техник Фойдаланиш Маркази қошидаги

«ТЭС»ДАГИ ТЕХНОЛОГИЯ, ЭЛЕКТРОНИКА, АЛОҚА» АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН СИНОВ ЛАБОРАТОРИЯСИ Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган ҳар қандай техник воситалар ва алоқа тизимининг сертификация қўлади ва бошқа синовларини ўтказди.

Телефон орқали маълумотлар: (3712) 66-09-53.

Манзил: 700187, Тошкент, 2-Корасув даҳаси,

65/66-АТС, 2-қават.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИО-

ЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 33-28-95. Факс: (3712) 33-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а»,
206-ХОНАЛАР.

АКЦИОНЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Очiq турдаги Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси акционерлик жамияти 1196 йил якунлари бўйича акционерларнинг умумий йиғилишини 5 июнь соат 10 да ўтказди. Рўйхатдан ўтши пайтида ҳужжат (паспорт) бўлиши керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 6.

«Бешқайрағоч» даҳасидаги планчи уй. Т. 47-54-29.

Марказда ҳовли. Т. 90-15-82.
СОТИЛАДИ

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ

Toshkent oqshomi

Муассасаси
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЯТИМанзил: 700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.Душанба, горшанба
ва ҳафтани
кунлари чиқади.
Ҳар кўрсаткичи
64690Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлима-
рига ёки «Тошкент почтаси»га
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.